Шимнинг узунлиги, кенглиги модага асосан ўзгариб туради. Шимлар бутун узунаси бўйлаб кенг ёки маълум жойлари (бўкса, тизза пойчаси) кенгайган бўлиши мумкин.

Шимлар белбоғли, энли, энсиз белбоғли, камар тақиш учун турли шакилдаги камар туткичлар, ён чоклиёки ён чоксиз, пойчаси манжетли ёки манжетсиз қилиб тикилган бўлиш мумкин. Шимда чокдаги ёки коплама чўнтаклар кўп учрайди. Шимдаг асосий деталлари олд ва орт бўлаклар виточкали ёки майда тахламали, тизза атрофида кесмали, турли шакилдаги какеткали бўлиши мумкин.

Шим асосан жун ва лавсан аралаш жун толали газламалардан, зич тўкилган вилвет, селон жинси газламадан тикилади.

БяА = 38 см

Бк ЯА = 52 см

ШУ = 100 см

ШТУ= 51см

БкБ=27см

СА=54см

Пк=22-26см (модага караб ўзгариб туради)

ҚБИ = 1 см

ҚБк = 1 см (кенгрок тақиш учун ҚБк = 2 см бўлади)

Ишлаб чиқариш оқимининг шакли ва турини танлаш

Тикувчилик саноатида ишлаб чиқариш технологик жараёнини ташкил этишда такомиллашган энг замонавий шакли ишлаб чиқариш оқим усулидир. Ишлаб чиқариш оқим усули деганда ишлаб чиқариш узлуксиз бир меёрда давом этиши меҳнат предметлари, бир иш ўрнидан беўхшов узатилиб муддатли иш операциялар технологик изчилликда бажарилиши тушунилади.

Ишлаб чиқариш оқим усули қуйидагилар билан ҳаракатланади.

- 1.Кийим тикиш технологик изчилликда бажарилишга кўра майда операциялар бўлиш ва бу операциялар Ишлаб чиқариш оқимида шаклига қараб тенг ва қисқа операцияларга тақсимлаш.
- 2.Хар бир технологик ташкилий операциялар маълум иш ўрнига бириктириб қўйиш .
- 3.Иш ўрнига кийим тикиш технологик изчилликга кўра жойлаштириш.
- 4.Меҳнат предметлари бир иш ўрнидан иккинчисига бириктирув узатилиши.
- 5.Барча иш ўринларида иш бир меёрда бориши
6. Барча иш ўринларида иш операциялари бир вақтда бошқариши.
- 7.Технологик иш оқимига маълум ишчи сонини бириктириш ва бошқалар.

Технологик жараёни ишлаб чиқаришни оқим усулида ташкил қилиш бир қатор афзалликга эга.

- 1.Жихозлар беўхшов Ишлаб туриши меҳнат предметининг бир иш ўрнини икки иш ўрнига узатиб туриш таъминланади
- 2.Ихтисослаштирилган жихозларни қўллаш ва Ишлаб чиқариш механизациялаштириш ва автоматлаштириш уни шарт шароитлари яратилади.
3. Ишчиларда бевосита бир бирига боғлиқлиги одамда ва меҳнат интизомини мукамаллашади ва Ишлаб чиқариш маданияти ошади.
- 4.Меҳнат унумдорлиги ўсади ва маҳсулот сифати ошади.
5. Ишлаб чиқариш оқимларини ташкил қилиш шакллари асосан 4 белги бўйича фарқланади.

1. Бир шароитда ишлаш даражаси бўйича

2.Тикув буюмларини Ишлаб чиқариш оқимига тушуниш бўйича.

3. Махсулотни шакли усули бўйича

4. Ташкилий операцияларини вақтини мослаш бўйича.

БМИ да эркаклар шимини ишлаб чиқаришдаги технологик шароит учун эркин режимини конвертсиз ишлаб чиқариш оқими шаклланади.

Ишлаб чиқариш оқими бир чизиқли икки қаторли .Чола махсулотни тикишда оралиқ амалларнинг ҳар хилида фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш оқимига моделлар кетма кет тушурилади бичик бахияли
холдат туширилади.

Технологик ишлаб чиқариш оқим турини таърифи.

5,1- жадвал.

T/P	Серия номери	Ишлаб чиқариш оқим	Қуввати	Шакли ва тури	Моделлар сони	Моделни ишлаб чиқариш оқимига тушуриш усули	Чала маҳсулотларни тикиш усули	Смена изчиллиги	Бичиклар узатиш усули	Транспорт партиясин хажми
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	1/1	1 чизикли 2қаторли	Ўрта қувватли	Канверли қатъий ритимли	1фосонли	Кетма- кет	Канвер	28800	канвер	1

Ишлаб чиқариш оқимида технологик схемасида тақсимлаш схемаси деб ҳам аталади у технологик жараёнларда асосий шаклидан биридик технологик схемага биноат шу ўринда ускуналар ишчилар жой жойига қўйилади шу ўринда сабоблар ёрдамида моделлар билан таъминланади. Технологик схема тақсимот танланган буларни технологик тартиби асосида тузилади ишлаб чиқариш технологик схемаси тузилади. Ташкилот ва ҳисобот маромларига риоя қилинади, ҳар бир ташкилий операция учун ихтисоси, разряди, вақт сарифини, ишчилар сонини, иш ҳаққини, қўлланиладигон асбоб ускуналар берилади.

Ташкилий операцияларни тузушнинг ҳисоб шартлари.

Ташкилий операцияларни тузишда унда давом этиш вақти тартибга тенг ёки унга паралел бўлиши керак

$t_o = t_{ёки}$ $T_o = q \cdot t$ бунда t_o ташкилий операцияларда сарф вақти

Технологик жихатдан бўлинмас операцияда давом этиш вақтини турлича бўлганлиги учун уларда вақтлар йиғиндиси яъни ташкилий операцияларни вақт сарфини тактага тенг ёки қаррали қилиб мослаш ҳар доим мумкин бўлавермайди. Тикувчилик саноатидаги тажрибани кўрсатишича ташкилий операциялар вақтини мослашиш учун унга сарфланадиган вақт ковертли ишлаб чиқариш оқимида $\pm 5\%$ ва гуруҳли аббергат ишлаб чиқариш оқимида $-5\% + 15\%$ фактга нисбатан фарқ билан ҳисобланса унчалик кам бўлмайди, шундай қилиб танланган моделдаги тикиладиган буюм ташкилий операцияларнинг вақтини мослаш асосий ҳисоблаш модели қуйидагича ифодаланади. 0,95-1,5 секунд такт

Ташкилий операцияларни тузишда ҳисоб шартларини ташкилий операцияларга ҳам риоя қилинади.

1. Буюни тикиш технологик тартибида бўлиб тикиш жараёнида иш ўринларига қайта – қайта келишига йўл қўймаслик
2. Ҳисоб тартибига риоя қилиш
3. разряд ва ихтисос жихатдан бир хил ва характерли турдош бўлинмаси операцияларини бирлашиши

4. Бўлинмайдигон операцияларни бирлаштириш
5. Машинада бажариладиган операцияларни қалинлиги тахминан бир хил ғазламаларнинг ишлатиладиган кийим тикиш
6. Ташкилий операцияларни бажарилишида бир хилдаги ип ишлатадиган қилиб тузиш.
7. Махсус машиналарда автоматларда бажариладиган бўлинмас операцияларни ҳамма ускуналари максимал ишлайдиган қилиб тузиш
жуфт деталларни тикишдаги бўлинмас операцияларини битта ташкилий операцияга тушуриш

БМИ курс лойихасида юқоридаги ишларни инобатга олган холда ташкилий операциялар тузулади.

.

1. 5.6 Ишлаб чиқариш оқимида иш ўринларини жойлаштириш ва цех планини тузиш.

Ишлаб чиқариш оқимида асбоб ускуна ва ўринларини жойлаштиришда қуйидагиларга риоя қилиш керак.

1. Асбоб – ускуна ва иш ўринларининг қадамини танлаш.
2. Асбоб – ускуналарни иш ўринларига жойлаштириш ишлаб чиқариш оқими изчиллигининг умумий узунлигининг ва ўринларининг чокини аниқлаш.
3. Ишлаб чиқариш оқимининг чокини ва узунлигини аниқлаб Ишлаб чиқариш оқимини жойлаштириш.

Юқоридаги кўрсатилган масалаларни ҳам кийимда қуйидаги саволларга риоя қилиш керак.

- а) буюмнинг бир иш ўрнидан иккинчисига беўхшов узатилиши
- б) Буюмни қўл ҳаракатига енг қисқа ва қулай бўлиши
- в) Иш учун керакли қулайлик тامينланилиши билан Ишлаб чиқаришни хона энг оқилона фойдаланиш.
- г) тикиш жараёнида модел алмаштирилганда ишлаб чиқариш оқимини қайта ўзгартириш қисқа вақт ичда бажарилишига.

Агар ишчи ўрни кўзда тутилмаган бўлса (ёки $0,8 \div 1,2$ ш) агар ишчи ўрни кўзда тутилган бўлса И / пресс ва ускуна оралиғи агар ишчи ўрни пресс томонида кўзда тутилган бўлса – $0,9$ и ;мм

с) Пресс ва ускуна оралиғи агар ишчи ўрни ускуна томонидан кўзда тутилган бўлса – $0,4 \div 0,8$ м

Е) Пресс ва ускуна оралиғи / агар пресс томонидан кўзда тутилган бўлса – $0,5 \div 0,8$ м

з) Пресс ва конвеер нина девори оралиғида агар пресс яссиликлари конвеер лентаси томонига қаратилган бўлса – $0,8$ м ёки $0,4 \div 0,6$ / томонига қаратилган бўлса.

Ишлаб чиқариш оқимларида иш ўринларини жойлаштиришда $5 \div 10$ фоиз миқдорда замос иш ўринлари бўлиши керак. Замос иш ўринлари иш

хажми нисбатан кўпроқ ёки мураккаброқ операциялар бошқариладиган жойларга қўйилади. Ишлаб чиқариш оқими бошлангандан кейин жойида бичимларни ишлаб чиқариш оқимига узатиш мумкин қадар аниқ қўйиб айтилган вақтда канвернинг ҳаракатланиши станциясига кўпроқ вазифани ушайдиган ишлаб чиқариш оқимига мунтазам иш ўрни бўлади.

Ишлаб чиқариш оқимида умумий узунлигини белгилаб олиш учун дастлабки маълумот қоғозда 1:10 масштабда иш ўрнларини технологик схема бўйича белгиланади.

Агрегатда ишчи ўрнларини жойлаштириб ва цех узунлигини аниқлаб бўлгандан кейин, қуйидаги талабларга амал қилиб агрегатларни цех планида жойлаштиришга киришилади

1. ишлаб чиқариш оқимига буюмларни тушириш жойини цехга бичиқлар келтириладиган жойига ва буюмни битказиб чиқариш жой эса меёр буюмини омборга топшириладиган жойга яқин бўлиши керак бунда цехнинг қарама қарши томонлари назарда тутилиб тайёр буюмлар эса бичиқларнинг маълум жадвалда тавсия этилади
2. Агрегат ёки унинг секциясининг узунлиги 35 метрдан ортиқ бўлса 1,5%2,0м кенгликда қўндалангига энига тушган жойлари қўзда тутилади, ёки ўтиш йўлини ўрнида 1,5 метр ва баландлиги 1,2 метрнинг осма кўприк ҳам қулаш мумкин

Бунда осма кўприк билан кўприк ораси 0,3 % 0,5 м бўлиши керак

3. Агрегатларнинг жойлаштиришда цехнинг эни ва узунлиги бўйлаб ўтиш йўллари қуйидагича қолдирилади.

а) Агрегатлар орасидаги йўл цехнинг эни бўйлаб – 1,5%2,5 м

б) Асосий ўтиш йўллари деворчаси -1,1 % 2 м

в) Агрегатнинг ён томонида деворчага агрегат бошқарадиган ва тамом бўладиган жойгача – 3,0 % 4,5 м ёки 1,5%2,5м ишлаб чиқариш оқимига буюмни тушириш ва битказиб чиқариш жой йўқ бўлса

4. цехда бичилганни чола маҳсулот меёр буюмларини сақлаш учун столлар ва товарлап ўрнини қўзда тутилиши керак Масалан;

а) Бичикларни ўровда очиқ олиш сақлаш учун /0,7% 0,8/ +2.0 ўлчамдаги столлар

б) айрим махсулотни сақлаш учун 0,5%0,7 метр энидаги уяли жавонлар уя ўлчами 0,25% 0,4 x 0,2%0,5 м²

5. Тикув цех томонида қуйидагиларни кўрсатиш зарур; цех узунлиги ва эни турган ускуналарнинг ўрнини жойлаштиришнинг эни ва бошқалар.

Техник – иқтисодий кўрсаткичлар

ИКТИСОДИЙ КИСИМ

5.4. Ишлаб чиқариш оқимининг технологик схемасининг таҳлил қилиш.

Жараённинг технологик схемаси тузилгандан сўнг ишлаб чиқариш оқимидаги ташкилий операцияларни тузишнинг шартларига қанчалик риоя қилинганлиги текшириб кўрилади.

Бунинг учун ташкилий операцияларни бажарилиши вақитларини умумий, якуний ишлаб чиқариш оқими тактга қанчалик тўғри мосланганлигини куйдаги формула ёрдамида текширилади.

$$K_{\text{мос}} = \frac{1706}{1610} = 1.05$$

Лойихаланаётган тиқув цехи оқими технологик схемасининг таҳлил қилиш учун тартиб ва мослик графиклари кўрсатиб технологик схема тўғри ёки нотўғрилиги текшириб кўрилари.

**“Ривож” ишлаб чиқариш тижорат фирмаси Андижон шаҳар ҳокимлиги
ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш
инспексиясида ресстр бўйича 3013 – тартиб рақами билан 2006 йил 27
ноябрда Давлат рўйхатидан ўтказилган ва 00030 сонли юридик
шахсларни давлат рўйхатига олиш гувоҳномасига эга.**

Қорхона манзили.

Андижон шаҳар 3- кичик даҳа 27-б уй.

Фирма таъсисчиси Маллаев Мамасоли Сойибович ушбу лойиҳани ташаббусқори ҳисобланади. Паспорт маълумотлари CL 1427752 рақамли, 2002 йил 15 июлда Андижон вилояти Андижон 2-ШМБ томонидан берилган. Фирманинг Низомида тиқувчилик , трикатаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятига руҳсат этилган.

Лойиҳанинг асосий тамойиллари.

Ўзбекистон Республикасининг , Андижон вилоятида устки кийим маҳсулотларига (кастюм шимларга) талаб катта. Фирма ушбу лойиҳа бўйича тикилган тайёр маҳсулотлар , хориждан келтирилган матолардан тикилган устки кийимларни сотишни режалаштирилди.

Республикада ноозик – овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш шу билан бирга янги иш ўринларини яратиш республикамиз ҳукумати тадбирқорлари олдига қўйган энг муҳим вазифалардан биридир. Янги иш ўринларини яратиш, аҳолиси зич бўлган Андижон вилоятида муҳим аҳамиятга эгадир. Фирма ўз олдига режалаштирган масалани ҳаётга тадбиқ этиш борасида фаолиятини ташкил этиш ниятида ушбу бизнес режа кўринишида белгиланган.

Ишлаб чиқиш жараёнида сотиб олинаётган матолардан тайёр кийимлар тикишдан иборат бўлиб, бугунги кунда мавжуд ва сотиб олинadиган тиқув дастғохларида ташкил этилади. Бизнес режанинг бу қисми шу меҳнат воситаларидан фойдаланишдан манфатлари ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш цехига барча инженерлик коммуникациялар келтирилган. Шу билан бирга маъмурият учун хоналар, хом ашё учун, тайёр махсулотларнисақлаш учун омборхоналар мавжуд.

Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

1.Иш вақти бир смена	8 соат
2.Бир иш кунда	1 смена.
3.Бир ойда иш кунлари сони	22 кун.
4.Бир йилда иш кунлари сони	264 кун

Комунал тўловлар

Номи	Ўлчов бирлиги	1 ойда	1 йилда	1ўлчов бирлигининг нархи (сўм)	Харажат Минг сўм
Электр харажатлар	Квт*соат	4918	59016	91,50 сўм	5399,6
Жами					2 395

Электр қувват харажатлари 32 тикув машинаси ва 10-дона дазмоллаш жихозлари учун бир кунда $(32 \times 0.75) (0 \times 2.0) \times$ соат 144квт, бир йилда $144 \times 264 = 38016$ квт хисобланади.

6.Кредит ва фоизларни қайтариш, ҳамда лизинг қарздорлигини сўндириш жадвали.

Кредит миқдори 96380 минг сўм

Хисобланаётган фоизлар-йиллик 6 фоиз

Имтиёзли давр – 12 ой, кредитни биринчи, қайтарилиши
лойиханинг иккинчи йил 1 чораги охирига режалаштирилади.

Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони бир ойда	Сони бир йилда	Нархи минг сўм	Жами минг сўм
Эркаklar устки кийими-Костюм шим (размерлари 46- 60)	дона	600	7200	50	778800
					778800

Бир дона костюм шимга харажатлар хисоби (ўртача размерга)

№	Хом ашё тури	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи сўм	Жами сўм
1	Кастюмли материал “Евро”	метр	1,30	12470	16211
12	Шим чўнтаги	Метр	0.35	660	231
13	Шим замоги	мерт	1	150	150
14	Шим подкладкаси	метр	0.35	2320	812
15	Шим крyчоки	дона	1	430	430
16	№ 40 ипи	Ғалтак	0.2	3200	640
17	Тугма	дона	4	25	100
19	Упаковка салафани	Дона	1	200	200
	Жами				18774

Асосий иктисодий курсаткичлар

1. Корхона рентабиллик даражасит
2. 2011 -2012 йил курсаткичи. 100,873,3
3. Иш хаки 24000,5
4. Фойда 18590,0
5. Соф фойда 18590,0
6. Харажатлар 28282,8
7. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони 1030

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА МЕХНАТ МУХОФАЗАСИНИНГ ЭРГОНОМИК ВА ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Эргономика инсоннинг меҳнат фаолияти давомида фаолиятни самарали бўлишини ва инсон учун қулай шароитлар яратилишини таъминлай оладиган функционал имкониятлардир. Бошқача айтганда, бу - инсон характери, машина имкониятлари ва характеристикалари ҳамда муҳит характери орасидаги ўзаро мувофиқлик ҳамда ўзаро таъсирни, яни “инсон- машина- муҳит” схемасини ўргатади.

Эргономика соҳасида “инсон- машина –муҳит” схемасининг қафолатли фаолиятини таъминловчи беш хил мувофиқлик мавжуд: маълумот (ахборот), биофизик, энергетик, фазовий-антропометрик ва техник.

Ахборот мувофиқлиги – бу мураккаб схемаларда оператор одатда бевосита физик жараёнларни бошқармайди. Чунки, кўпинча, хавфлилик нуқтаи назаридан оператор, ушбу жараённинг бажарилиш зонасидан маълум масофада узоқда бўлади. Бошқариш объектлари эса кўринмайдиган, эшитилмайдиган, сезилмайдиган ҳолатда бўлиши мумкин. Оператор фақатгина ўлчаш асбоблари ва жихозларининг кўрсаткичларини кўриши, сигналларни эшитиши ва бу орқали жараён боришини бошқариб, назорат қилиб бориши мумкин. Бу турдаги барча қурилмалар ахборотни акс этдирувчи воситалар деб юритилади. Айрим ҳолларда оператор бошқариш датчикларидан, кнопкаларидан, эгиб-ўчиргичлардан ва шу каби бошқа бошқариш органларидан фойдаланиши мумкин. Бундай бошқариш органларининг биргаликдаги ҳолати сенсомотор майдонини вужудга келтиради. Ахборотни акс этдирувчи воситалар ва сенсотор қурилмалар машинанинг ахборот модели деб аталади. Оператор ушбу модел орқали энг мураккаб схемаларни ҳам бошқариши мумкин бўлади.

Фаолият даврида машинанинг барча характеристикаларини таъминлайдиган ва шу билан бир вақтда операторнинг хотираси ва фикрини чарчатмасдан (зуриқтирмасдан) барча ахборотларни қабул қилиш ҳамда

кайта ишлаш имконини берадиган ахборот моделини яратиш - эргономиканинг асосий вазифаси ҳисобланади. Албатта, бу масала ечими хавфсизликни таъминлаш, ишдаги аниқлик, сифат, иш унумдорлиги каби кўрсаткичларга боғлиқ бўлади. Шу сабабли, ахборот модели инсоннинг психофизиологик имкониятларига мос келиши зарур.

Биофизик мувофиқлик - бу биофизик мувофиқлик деганда, операторнинг мақбул иш қобилиятини ва нормал физиологик ҳолатини таъминлайдиган атроф-муҳит шароитини яратиш тушунилади. Атроф-муҳит шароитининг кўпгина омиллари оптимал, яъни, руҳсат этилган миқдорлари (РЕМ) стандарт асосида ўрнатилган. Лекин, улар кўпинча операторнинг функционал вазифалари билан боғланмаган бўлади. Шу сабабли, машиналарни ишлаб чиқишда (лойихалашда) шовқин, титраш, ёритилганлик, ҳаво муҳити ва шу каби омиларни махсус тадқиқот қилиш ва уларнинг миқдорларини РЕМ бўйича ўрнатиш талаб этилади.

Маълумки, инсоннинг куч ва энергетик параметрлари маълум чегарага эгадир. Сенсомотор қурилмаларини (бошқариш дачиклари, кнопкалар, кўшиб-ажратгичлар) ҳаракатга келтириш кўп эски бўлиб жуда кам куч талаб этиши мумкин. Биринчи ҳолда, инсон тез чарчаши ва бу бошқарилувчи схемада кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Иккинчи ҳолатда эса, оператор ишдаги қаршилигини ҳис қилмаганлиги сабабли иш аниқлиги пасайиши мумкин.

Энергетик мувофиқлик деганда, сарфланадиган куч, қувват, тезлик ва ҳаракат аниқлиги нисбатида машинанинг бошқариш органлари билан инсоннинг оптимал имкониятларини мос келиши тушунилади.

Фазовий-антропометрик мувофиқлик - фаолият даврида, яъни ишни бажариш вақтида, инсоннинг гавда ўлчамларини, ташқи фазовий имкониятларини, ишчининг иш ҳолатидаги гавда жойлашувини ҳисобга олиш демакдир. Бу масалани ечиш иш жойи ҳажмини, операторнинг фаолият давридаги охирги таъсир нуқтасини, бошқариш асбобларидан операторгача бўлган масофани аниқлаш орқали амалга оширилади. Ушбу масала

ечимининг мураккаб томони инсоннинг антропометрик кўрсаткичларини турличалигидадир. Масалан, ўртача узунликдаги кишини қаноатлантирган ўтиргич пас ёки узун бўйли кишилар учун ноқулайлик туғдиради. Хўш, бундай ҳолатда қандай иш тутмоқ лозим. Албатта, бу саволга эргономика жавоб беради.

Техник-эстетик мувофиқлик – машина ва иш технологиясини техник-эстетик жihatдан ишчининг талабини қаноатлантиришидир. Инсон машинада иш бажарганда ёки асбоб ва қурилмалардан фойдаланганда ўзида ижобий ҳиссиётлар ҳосил қилиши, яни, ҳар қандай машинанинг ташқи кўриниши, шакли, қулайлиги, ранги ва бошқа кўрсаткичлари ҳам иш жараёнига, ҳам ишчининг ҳиссиётига мос келиши лозим. Бу масалани ечишда эргономика конструкторлар, дизайнерлар, рассомлардан фойдаланади.

1. Фаолият хавфсизлиги психологияси

Замонавий ишлаб чиқариш шароитида бахтсиз ҳодисаларни (жароҳатланишлар, шикасланишлар, касалланишлар, ёнғинлар, авариялар ва) камайтириш муаммосини фақатгина муҳандислик услублари орқали ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли, меҳнат хавфсизлиги психологияси фаолият хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Тажрибаларнинг кўрсатишича ишлаб чиқаришдаги авариялар ва жароҳатланишларнинг кўпчилиги машиналардаги муҳандислик-конструкторлик нуқсонлар, яъни техник-технологик сабаблар орқали эмас, балки ташкилий-психологик, яъни, хавфсизлик техникаси бўйича етарли билимга эга бўлмаслик, етарли даражада ўқитилмаслик, ишчининг билиб-билмай хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслиги, хавфли ишларга махсус ўқишлардан ўтмаганларга руҳсат бериш, ишга мутахассислик бўйича қабул қилмаслик ва шу каби қатор сабаблар таъсирида юз беради. Шу сабабли, кўпинча жароҳатланишларнинг 60-90% га бевосита жароҳатланувчиларнинг ўзлари айбдор бўлади.

Хавфсизлик психологияси деганда инсоннинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган психологик билимлардан фойдаланиш тушунилади.

Хавфсизлик психологияси меҳнат фаолияти жараёнида юз берадиган руҳий жараёнларни, руҳий хусусиятларни ва руҳий ҳолатларни чуқур ўрганади ва таҳлил қилади. Шунга боғлиқ ҳолда, инсоннинг руҳий фаолиятини уч хил компонентга ажратиш мумкин, яъни, руҳий жараёнлар, хусусиятлар ва ҳолатлар.

Рухий жараёнлар руҳий фаолиятнинг асосини ташкил этади. Рухий жараёнлар билиш, эмотционал ва иродавий сезиш (хис қилиш, идрок қилиш, хотирлаш) каби турларга бўлинади.

Рухий хусусиятлар (шахсий фазилатлар). Рухий хусусиятларга инсоннинг характери, дунё қараши, фикрлаш қобилияти ва темпераменти, шахсий фазилатларга эса интеллектуал, эмотционал, ахлоқий ва меҳнат қобилияти ҳамда иродаси киради. Хусусиятлар турғун ва доимий хисобланади.

Рухий ҳолат - руҳий жараёнларга ижобий ёки салбий таъсир этувчи руҳий фаолият хусусиятини билдиради.

Меҳнат психологияси вазифалари ҳамда меҳнат хавфсизлиги психологияси муаммоларидан келиб чиққан ҳолда руҳий ҳолатни ишлаб чиқариш руҳий ҳолати ва махсус руҳий ҳолатларга ажратиш мумкин. Махсус руҳий ҳолат ишлаб чиқариш жароҳатлари, авариялар ва шу каби кўнгилсиз оқибатлар бўйича профилактик тадбирларни ташкиллаштиришда юзага келиши мумкин.

Инсоннинг меҳнат фаолияти самарадорлиги (иш қобилияти) руҳий зўриқиш, яни, ҳаяжонланиш даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Рухий зўриқиш маълум чегарагача иш натижасига ижобий таъсир кўрсатади. Лекин, бу хусусиятни чегарадан, яъни критик даражадан ортиқ бўлиши иш қобилиятини пасайишидан тортиб умуман йўқолишигача олиб келиши мумкин. Бундай руҳий зўриқиш, чегарадан ташқари зўриқиш деб белгиланади. Операторнинг меҳнат фаолияти давридаги нормал руҳий

юкланганлиги максимал юкланиш даражасининг 40-60%ни ташкил этиши лозим, акс холда, юкланганликнинг бу чегарадан ошиши операторнинг иш қобилиятини сусайишига олиб келади.

Чегарадан ташқари руҳий зўриқиш тормозли ва асабий кўринишларга бўлинади.

Тормозли руҳий зўриқиш ҳаракатнинг чекланганлиги ва секинлашиши орқали характерланади. Бундай ҳолатда, ишчи олдинги ҳолатидагидай эпчиллик, чاقқонлик ва усталик билан ўз касбий маҳоратини намоён қила олмайди, яъни фикрлаш жараёни секинлашади, эслаш қобилияти сусаяди, эътиборсизлик ва шу каби бошқа салбий белгилар юзага келади.

Асабий зўриқиш, хаяжонланиш, руҳий зўриқиш гиперактивлиги, кўп сўзлилиқ, кўл ва овоз қалтираши каби белгиларда намоён бўлади. Бундай ҳолатда ишчи дағал, хафақон кўринишга тушиши, тез-тез беихтиёр иш жихозлари ва асбоблари ҳолатини кузатиши, уст-кийимини тўғрилаши, кўлини артиши ва шу каби қилиқларни бажариши кузатилади. Албатта, бу ҳолатларнинг барчаси хатога йўл қўйилишига ва натижада бахтсиз ходисаларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Операторнинг руҳий ишончлилигини белгиловчи алоҳида руҳий ҳолатлар: пароксизмал хушдан кетиш, кайфиятни психоген ўзгариши, руҳий актив воситаларни (симуляторлар, транквилизаторлар, алкоголь ичимликлар) қабул қилиш таъсиридаги руҳий ўзгаришлар кўринишларида бўлади.

Хафа бўлиш, ҳақоратланиш, ишлаб чиқаришдаги муваффақиятсизлик оқибатида эса эффе́ктив ҳолат (э́ффект-хиссий портлаш, э́моционал портлаш) юзага келади. Инсонда, эффе́ктив ҳолат вақтида фикрлаш-тафаккурлашнинг психоген (э́моционал) торайиши кузатилади. Бунда ҳаракатнинг тезлиги, агрессивлиги ва кўполлиги ортади.

Руҳий актив воситалар, яъни дори-дармонлар ва алкоголь ичимликларни қабул қилиш ҳам руҳий ҳолатни салбий ўзгаришига олиб келади. Руҳий актив воситаларга актив стимуляторлар (первитин, фенамин) ва транквилизаторлар (седуксен, элениум) киради.

Ушбу дорилар асабийлашишни «невроз»ни камайтириб, хотиржамликка олиб келиш билан бир каторда, рухий активликни камайтиради, реакция тезлигини сусайтиради, апатия ва уйқусирашга сабаб бўлади. Бу эса, меҳнат фаолияти даврида йўл қўйиб бўлмайдиган хатоларга шароит туғдиради ҳамда бахтсиз ходисаларни келтириб чиқаради.

Рухий фаолиятни маиший ва ишлаб чиқариш омиллари таъсирида ўзгариши ишлаб чиқариш фаолиятидаги муҳандис-ташкилотчилар олдида ишчининг рухий ҳолатини назорат қилувчи схемани вужудга келтириш ҳамда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

2. Инсон «инсон-муҳит» схемасининг элементи сифатида.

Миллионлаб йиллар давомида юз берган эволюцион ва социал ривожланиш даврида инсонда хавфдан химояланишнинг табиий схемаси вужудга келган ва бу схема маълум чекланишга эгадир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш инсонни ишлаб чиқариш муҳитида хавфдан химоялашга қаратилган бўлсада, кўпчилик ҳолларда инсонни ўзи потенциал хавфни туғдирувчи, ташувчи ҳисобланади. Масалан, инсон ўз ҳаёти давомида турли хил зарарли ва захарли моддаларни ишлаб чиқаради ва ўзининг хато ҳаракати туфайли кўпгина бахтсиз ходисаларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Қисқа қилиб айтганда, инсон муҳитга таъсир этади, уни ўзгартиради, натижа эса оғир оқибатларга олиб келиши билан тугаши мумкин бўлади. Шу сабабли, «инсон- муҳит» схемаси хавфсиз фаолиятда бўлиши учун инсон ва муҳитни ташкил этувчи барча элементларнинг кўрсаткичлари ўзаро мувофиқликда бўлиши талаб этилади. Агар бундай мувофиқлик («келишилувчанлик») бўлмаса қуйидаги кўринишдаги кўнгилсиз ходисалар юз беради: инсоннинг иш қобилияти сусаяди; умумий ва касб касалликлари кўпаяди; авариялар, ёнғинлар, портлашлар содир бўлади; ишлаб чиқариш жароҳатлари юзага келади.

Инсон ўзидаги табиий анализаторлар, яъни, сезги аъзолари орқали атроф-муҳит билан бевосита боғланишда бўлади. Ушбу сезги аъзоларининг характеристикасини ўрганиш хавфсизлик схемасини такомиллаштиришда

мухим рол ўйнайди. Бундай сезги аъзоларига («анализаторларга») куриш, эшитиш, титрашни сезиш, хароратни сезиш, оғрикни сезиш, таъм ва хидни сезиш, органик сезги ва харакат анализаторларини мисол келтириш мумкин. Юқорида таъкидланган хар бир анализатор ёки сезги аъзолари маълум характеристикага эга бўлиб, мухит омиларининг кескин ўзгариши ушбу анализаторларнинг иш фаолиятига салбий таъсир этади. Натижада, турли хил касб касалликлари, жароҳатланишлар келиб чиқади. Масалан, инсоннинг эшитиш аъзолари 16-20 Гтс. дан 20000 Гтс. гача бўлган товуш частоталарини эшита олади. 16-20 Гтс дан кичик бўлган инфратовушлар ҳам, 20000 Гтс дан юқори бўлган ултратовушлар ҳам инсон соғлигига салбий таъсир этади. Тактил анализатори, яъни, тананинг юза қисмига таъсир этувчи хар хил механик таъсирларни (танага хар хил предметларни тегиб кетиши, босим таъсир этиши) сезиш қобилятидир. Албатта, сезиш қобиляти тананинг хар қисми учун хар хил. Масалан, сезишнинг бошланиш миқдори қўл бармоқларининг учи учун – 3 г/мм², бармоқнинг ички томони учун – 5 г/мм², қорин учун – 26 г/мм² .

Юқорида таъкидланган сезги аъзолари ва анализаторлардан ташқари фаолият хавфсизлигини таъминлашда инсоннинг шахсий фазилатлари, жумладан эътибор, фикрлаш, идрок қилиш, эмотсия, хотирлаш, тасаввур этиш, ўйлаш ҳам мухим рол ўйнайди. Шу сабабли, шахсий хавфсизлик режими, инсон фазилатларининг фаолият хавфсизлигига таъсири каби масалаларни ўрганиш ҳам талаб этилади ва бу масалани ёритиш фаолият психологиясининг вазифаларига киради.

Хулоса

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг олдида турган асосий вазифа ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича муҳим вазифаларни бажариш ҳисобланади.

Андижон шаҳридаги “Ривож” номли хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳам республикаимиз ички бозорида ўз маҳсулотлари билан алоҳида ўринга эга.

Келажакда корхона ички ва чет эл инвестицияларни жалб қилиш дастурига амал қилган ҳолда, янги техника ва технологияларни жалб қилиш маҳсулот турлари ва ассартиментларин кўпайтириш, иш ўринларини кенгайтиришни режалаштирмоқда. Бу эса, ўз навбатида иқтисодиётимизда бир қанча муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Фойдаланилган адабиётлар

- 1 ИА Каримов «Халк сўзи газетаси» 2011 йил яқунлари 2012 йил режалари.
2. И.А Краимов «Жахон молиявий иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этшнинг йўллари ва чоралари » Тошкент ўқитувчи 2009
3. «Битирув малака ишини бажариш бўйича услубий кўсатмалар » Андижон 2012
- 4.М.Г. Аббосова ва бошқалар Енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги Тошкент 2010
- 5.Х.Х Каримова Н.К Хамраева «Тикув буюмларни конструкциялаш » Тошкент «молия» 2009
- 6.Х. Рахимова ва бошқалар Мехнат муҳофаза қилиш Тошкент Ўзбекистон 2003.
- 7.Қахрамон Олимов «Енгил саноат маҳсулотлари ва модел танлаш»Тошкент 2003
- 8.П .П. Какеткин «Одамда технология – техника процессии – качество Сировочник М. 2001»
9. Х.Х. Саматуллаев «Тикувчилик корхоналарининг ускуналари » Тошкент Ўзбекистон 2001
- 11.М.Ш Жабборова «Тикувчилик технологияси »Тошкент Ўқитувчи 1989
- 15 Интернет лойихалари
- 16.W.W.W.waef.ru
- 17.W.W.W. textili.ru

ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ

**«Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси»
кафедраси 5540600 “Енгил саноати маҳсулотлари
технологияси” йўналиши талабаси Мамасолиев Сардорбек
томонидан бажарилган битирув малака ишига.**

РАХБАР ХУЛОСАСИ

4-курс талабаси Мамасолиев Сардорбек кафедра томонидан “Ривож”корхонасида ишлаб чиқарилаётган эркаклар шимининг моделларини кенгайтириш. мавзусидаги битирув малака иши берилган.

Талаба Мамасолиев Сардорбек ўқиш давомида ва битирув малакавий ишини бажариш давомида тиришқоклиги, изланувчанлиги билан курсдошлари орасида хурматга созовордир.

Талаба Мамасолиев Сардорбек институт томонидан юклатилган жамоат ишларида актив иштирок этди, дарсларга мунтазам равишда катнашди.

Мамасолиев Сардорбек келгусида ўз устида ишлаб енгил саноати соҳасини ривожланишига ўз хисассини қўшади деб ишонч билдираман.

Талаба томонидан бажарилган битирув малакавий иш расмийлаштириш ва уни техник, иктисодий , меҳнат музофаза қилиш қисмлари кенг қўламда ёритилган бўлиб Давлат стандарт талабларига жавоб беради.

Талабаси Мамасолиев Сардорбекнинг бажарган битирув малака ишини “яхши” баҳо билан баҳолайман.

Рахбар:

Г.К.Иргашева.